O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
DAVLAT RAQOBAT QO'MITASI

QIMMATLI QOG'OZLAR
BOZORINI MUVOFIQLASHTIRISH
VA RIVOJLANTIRISH MARKAZI

THE STATE COMPETITION COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

CENTER FOR COORDINATION
AND DEVELOPMENT
OF SECURITIES MARKET

100047, O'zbekiston, Toshkent, Buxoro ko'chasi, 10
10, Bukhoro str., Tashkent, Uzbekistan, 100047

Tel.: 998 (71) 236-06-35 Fax: 998 (71) 232-07-31 www.csm.gov.uz www.openinfo.uz e-mail: info@csm.gov.uz

"____" __________ 201__ y. № __________

**ҚАРОР** 15-07/001 «17» январ **2017 йил**

**Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази** «Deutsche Konstruktion Group» aksiyadorlik jamiyati ягона акциядорининг 2016 йил 13 декабрдаги қарорига, Марказ Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасининг 2017 йил 13 январдаги 07-21/002-сонли билдиришномасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-рақам билан рўйхатга олинган Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларининг 100-бандига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** «Deutsche Konstruktion Group» aksiyadorlik jamiyatiнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини 5 000 сўмдан 1 330 сўмгача камайтириш йўли билан камайтирилиши ва янги акциялар чиқарилиши муносабати билан жамиятнинг Марказ томонидан 2016 йил 7 июнда P0866 ва 2016 йил 14 ноябрда P0866-2-рақамлар билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишларини Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестридан чиқариш учун жамият қуйидаги ҳужжатларни тақдим этганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- 2016 йил 20 декабрдаги ариза;
- Марказ томонидан 2016 йил 7 июнда P0866 ва 2016 йил 14 ноябрда P0866-2-рақамлар билан рўйхатга олинган акциялар бирламчи ва қўшимча чиқарилишлари тўғрисидаги қарорларнинг асл нусхалари.

**2.** «Deutsche Konstruktion Group» aksiyadorlik jamiyati устав капитали акцияларнинг номинал қийматини 5 000 сўмдан 1 330 сўмгача камайтириш йўли билан камайтирилиши ва янги акциялар чиқарилиши муносабати билан жамиятнинг Марказ томонидан 2016 йил 7 июнда P0866 ва 2016 йил 14 ноябрда P0866-2-рақамлар билан давлат рўйхатига олинган акциялар чиқарилишларига асосан чиқарилган умумий қиймати 30 000 000 000 сўмлик, номинал қиймати 5 000 сўм бўлган 6 000 000 дона оддий акциялари ҳамда миллий идентификация рақамлари (RU101P0866T7 ва RU102P0866T5) бекор қилинсин.

**3.** Марказнинг Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармасига:

- «Deutsche Konstruktion Group» aksiyadorlik jamiyatining акциялар чиқарилишларига берилган миллий идентификация рақамлари (RU101P0866T7 ва RU102P0866T5) бекор қилинганлиги тўғрисида Эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзувлар киритиш;
- мазкур қарорнинг бир нусхасини «Deutsche Konstruktion Group» aksiyadorlik jamiyatiga ва бир нусхасини Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига маълумотлар базасига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун тақдим этиш топширилсин.

**4.** Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказнинг Қимматли қоғозлар чиқарилувлари ягона давлат реестрини юритиш бошқармаси зиммасига юклатилсин.

**Бош директор** **Б. Атаханов**